«КамАЗ» русумли юк ма-шинаси ҳам тўхтатилади. Унга Мангитдан 4000 донга пишиқ гишт ортилган бўлиб, Тошкент томон йўл олганди. Гиштининг қайси заводдан ортилгани ва қай-си курилши ташкилотга юборилаётганлиги номаълум эди. Текширув давоми-да эса, қарантки, гишталар орасига чет элларда ишлаб чиқарилган, ҳужжатсиз, жами 4083420 сўмлик 165 литр «Талстар» суюқлиги жойланганлиги аниқланди. Дарҳол ҳужжатлар расмий-лаштирилиб, улар қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди.
Қорақалпоғистон Рес-публикаси ҳудудига ўткази-лаётган тезкор текширувлар ҳам самарали бўлапти. Ҳу-

суеан, солиқ хизмати хо-димлари томонидан аҳоли-га пуллик хизмат кўрсата-ётган бир қатор автотранс-порт воситалари қўзда кеч-чирилганда, Беруний туманидан Умар Курбониязов, Элдикқалъа туманидан Шухрат Жумаев каби ўз шахсий машинасида ҳуж-жатсиз қирақашлик қилиб юрган 11 нафар фуқаро аниқланди. Уларга нисба-тан 237500 сўм жарима қўйилди.
Умуман, солиқ хизмати ходимлари иштирокидеа ўтган ойлари мобайнида 2598 та рейд уюштирилиб, 4628 та автотранспорт воситаси тезкор текширувларга ўткази-лиди. Пирорларидеа 4394 ҳолатда ҳуқуқбузарлик ҳолати кузатилади. Жумла-

дан, 2146 ҳолатда жисмо-ний шахеларнинг давлат рўйхатидан ўтмасдан тал-биркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги, 2444 ҳолатда эса лицензиясиз фаолият кўрсатаётганлиги аён бўлди. Ҳуқуқбузарлар-га нисбатан эса маъмурий ва молиявий жарималар қўйлашга тўғри келди.
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида тартиб ўрнатилаётган бундай текширувлар давом эта-веради. «Юзим шувур бўлиб қолмасин» деган тадбир-корлар амалдаги қонун-қондаларга тула риоя этишлари керак!
Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 18 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича мажбурий тўловлари ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарини сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: %

1 Австрали долларини	698,58	1 Исландия қронаси	12,94	1000 Туркия лираси	0,66
1 Англия фунт стерлингини	1650,27	1 Канада доллари	749,01	1 Швейцария франки	737,47
1 Дания қронаси	154,96	1 Ҳитой юани	117,98	1 ЕВРО	1152,36
1 БАА дирхамини	265,89	1 Малайзия рингитини	257,00	10 Жапония йени	8,29
1 АҚШ доллари	976,49	1 Польша злотийсини	251,15	10 Индонезия рупияси	89,45
1 Миср фунтини	159,30	1 СДР	1406,04	1 Россия рубли	32,75
				1 Украина гривнаси	183,14

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини олмагаи.

БМТ Афғонистондан кетмайдан

БМТ бош котиби Кофи Аннан Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш бўйича ходими улдириб кетилганини қоралади. У мазкур вақший жиноят БМТнинг афғон халқига ёрдам кўрсатиши давом эттиришдан тўхтаб олмаслигини айтди.




Афғонистон Утиш Исломи давлати раҳбари Ҳамид Карзай «Бундай жиноятни амалга оширганлар мамлакат душманларидир», деди.

БМТ ходими Беттина Гвасляр мотоцикл минган икки жиноятчи томонидан жануби-шарқий Ғазни музофоти бозоридан олиб кетилган.

БМТ Қандаҳор, Жалолобод, Гардез ва Ғазнадаги инсонпарварлик агентликлари хизматчиларини уйдан чиқмасликка чақирган.

ОИТС масаласида ошкоралик зарур

БМТнинг ОИТСга қарши кураш агентлигининг раҳбари Питер Пиот ўзларидаги эпидемия микробларини яшириб келаётган дунё мамлакатларини бу масалада ошкоралик билан иш кўришга чақирмоқда.



Унинг айтишича, ОИТС яқин келажакда ҳар бир мамлакатда мавжуд муаммо бўлиб қолиши мумкин. Би-Би-Си ўтказган сўровнома натижаларига қараганда, бутун дунёдаги инсонлар уларнинг ҳукумати ОИТСга қарши курашиш учун етарлича чораларни кўрмаётганликлари айтишган.

Сайловлар яна муваффақиятсизлик билан тугади

Сербияда бир йилдан ошқоқ мuddат ичида учинчи бор президент сайловлари бўлиб ўтди. Бироқ аввалги икки марта ўтказилган сайловлар каби учинчиси ҳам муваффақиятсизлик билан тугади.



Сайловлар ўтказилган деб тан олинishi учун аҳоли сонининг камида 50 фоизи унда қатнашиши керак. Аммо бу сафар ҳам аҳоли сайловларга бепарқилик билан муносабатда бўлди.

Сербия бош вазир Зоран Живкович сайловларнинг бундай натижаси уни хайрон қолдирмаётганлигини ва мамлакат яқинлашиб келаётган парламент сайловларига алоҳида тайёрланиши кераклигини айтди.


Ариэль Шарон Италияда

Исроил бош вазир Ариэль Шарон айни пайтда Европа Иттифоқига раислик қилаётган Италияга ташриф буюради. Сешанба кuni эса Европа ташқи ишлар вазирлиги Брюсселда ЕИ Исроил билан ҳамкорлик кенгаширининг йиллик йиғилиши доирасида исроиллик ҳаммаси билан учрашади.

Исроил анчадан бери Европа билан унчалик келиша олмайпти. Исроил ҳукумати фикрича, Европа сиёсатчилари фаластинликлар томонидан турибдилар. Утган ҳафта Европа комиссияси бююртмаси билан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига қараганда, ЕИнинг кўпгина фуқаролари Исроилни дунёда тинчликка катта хавф тугдирётган мамлакат сифатида эътироф этишган.

Қаттиқ назорат танқидга учрамоқда

11 сентябрь воқеаларидан кейин Вашингтон томонидан қаттиқ назоратга олинган виза расмийлаштириш қоидалари Американинг ўзида танқидга учрамоқда. Бундан айнисса, мамлакат олий ўқув юрталари ва корпорациялар норози бўлмоқда.



Америка визаларини расмийлаштиришдаги чеклаш ва расмийчилик кўпчилик хорижликларни АҚШга келиш истagini сўндирмоқда. АҚШнинг айрим олий ўқув юрталари хорижлик талаба ва ўқитувчиларини йўқотмоқда. Бу эса олий ўқув юрталарининг катта маблағлардан айрилишига олиб келди. Бундан ташқари, катта корпорациялар виза муаммоси туфайли керакли одамларни жалб этиш ёки муҳим буюртмаларни ўз вақтида бажара олмаяпти.

Пхеньян музокаралар йўлида

Шимолий Корея АҚШ Пхеньянга нисбатан «душманлик сиёсати» юртишини тўхтастегина ўз ядро дастуринан воз кечиниши маълум қилди. Утган ойда КХДР ядровий режалар ҳақидаги тўхтатиб қўйилган музокараларни давом эттиришга рози бўлди.



Шимолий Корея ядро қуролига эга эканлиги ва ядро захираларини бунёд қилиш устида иш олиб бораётганлигини маълум қилган.

Хуршида РАУПОВ тайёрлади.

Жаҳонда Марказий Осиёга қизиқиш ортиб бормоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, у қитъанинг марказида жойлашган, иккинчидан Осиё ва Европани боғловчи кўприк ҳисобланади. Энг асосийси, минтақада жуда катта ер ости ва ер усти бойликлари мавжуд.

Еуроосиё ишлари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс яқинда Конгресснинг Вакиллар палатаси кичик комиссияларидан бирида ҳукуматнинг Марказий Осиёдаги сиёсати ҳақида хисобот берди. Унинг таъкидлашича, Американинг бу минтақада узоққа мўлжалланган стратегик манфаати бор. Бу манфаат хавфсизлик, энергоресурслар ва минтақа мамлакатларидаги ички ислохотларда кўринади.

МИНТАҚА УЧУН МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги масофа узоқ бўлса-да, бизларни муҳим ҳаётий манфаат бирлаштириб туради, — деди Э. Жонс. — Аввало, минтақадаги учта мамлакат яқинида терроризмнинг марказларидан бири бўлган Афғонистон билан чеғаралаш. Марказий Осиёдаги бешта давлат ҳам АҚШнинг 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейинги терроризмга қарши курашини қўллаб-қувватлади. Яқинда Қозғонистон Ироққа муҳандислар батальонини жўнатди. Бу аскарлар худудларни минадан тозалаш ишларида иштирок этади. Ўзбекистон ҳам бу масалада тинчликпарвар ва тиббий ёрдам кўрсатувчи кучлар билан ёрдам беришга тайёр эканлигини билдириди.

Маълумки, сўнгги йилларда терроризм билан бирга диний экстремизм ҳам кучайиб бормоқда. АҚШ Марказий Осиё мамлакатларида бу иллатга қарши курашда ҳам ёрдам бераёпти. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ислом ҳаракати деб аталмиш экстремистик кучлар Афғонистондаги урушда ўз йўлбошчиларида ажралган бўлса-да, ҳамон минтақа давлатлари худудиди яширинча фаолият олиб бормоқда.

АҚШ уни террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган.

«Ҳизб-ут-таҳрир» диний экстремистик ташкилоти Марказий Осиё мамлакатларидагина эмас, яна ўттиздан ортиқ давлатларда ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу гуруҳ нафақат Осиё, балки ғарб мамлакатларига ҳам хавф солаёпти. Улар мусулмон-

13000 фуқаро қисқа муддатли касбий ва узоқ муддатли академик ўқишга тақлиф этилган.

Бундан мақсад, — дейди Э. Жонс, — улар бозорга асосланган демократия имкониятларини ўз кўзлари билан кўрсин. АҚШ Бишкекда мустақил университет — Марказий Осиёдаги Америка университети ташкил этилишини ҳам қўллаб-қувватлайди.

АҚШ Ўзбекистонга сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ёрдам бермоқда. Бунинг учун алоҳида дастур қабул қилинган. У сув истеъмолчилари ассоциациясини тузиш, туманларда сув хўжаликларини такомиллаштириш, каналларни тозалаш учун жиҳозлар сотиб олиш, Қорақалпоғистон ва Орол бўйи худудини ичимлик сув билан таъминлаш тизимини яхшилашга қаратилган. Агар Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кенг йўлга қўйилса, бутун минтақага катта фойда келтирилади, қўллаб-янгини иш ўринлари яратилишига олиб келади.

Шунингдек, Элизабет Жонсинг таъкидлашича, АҚШ Фарғона vodiysida даги ижтимоий-иқтисодий аҳолини янада яхшилаш учун ёрдам қўлини қўзишга тайёр. Бу худудда инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига қўллаб-янгини иш ўринлари ташкил этиш мумкин.

Ҳисоботда таъкидланишича, 2003 йилда АҚШ Марказий Осиёда фуқаролик жамятини қурish, иқтисодий ислохотлар, жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, шунингдек, минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш учун 286 миллион доллар сарфлаган.

Элизабет Жонс минтақа мамлакатларидаги ички ислохотларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Марказий Осиё мамлакатлари «коммунизмдан демократик сиёсий тизимга, бозор иқтисодига» ўтмоқда. Шунинг учун, ислохотлар Шарқий Европа давлатларига қараганда бироз қийин кечмоқда. Ўлкада узоқ йиллар автократик тизим ҳукм сургани ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Э. Жонсинг таъкидлашича, АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиб боришидан Америка ҳам, минтақа давлатлари ҳам манфаатдор ва бу ҳамкорлик узоқ йиллар давом этиши тарафдори.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

ОЛАМ НАФАСИ Янгиликлар, воқеалар, далиллар



«Ал-қоида» ташкилотининг қўли бор. Бу маълумотларни Арабистоннинг «Ал-Қудс» нашри ҳам тасдиқлади. Нашр бош муҳаррири Абдул Барий Атвоннинг Каттарнинг «Ал-Ҳазира» телеканалига берган интервьюсида бу ҳақдаги маълумот тахририятга электрон почта орқали келиб тушганини билдириди. Истамбулдаги террорчиликлар жаҳон ҳамжамяти

ИСТАМБУЛДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Ўтган шанба кuni Туркиянинг Истамбул шаҳрида террорчи-камикадзелар томонидан икки портлаш уюштирилди. Унинг оқибатида 23 киши ҳалок бўлди, 240 нафардан зиёд одам жароҳатланди. Экстремистлар портловчи моддани автомобилга жойлаштириб, уни шаҳардаги йирик Неве-Шалом синагогаси ёнида портлатиб юборишган. Бундан ташқари, террорчилар биринчи портлаш содир этилган жойдан беш километр узоқда Бейт-Исроил синагогасининг ёнида ҳам яна бир хунрезлик уюштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур террорчиликлар илгаридан пухта режалаштирилган. Чунки портлашлар айнан шанба кuni, синагога ибодатчилар билан тўлган пайтга мўлжаллангани бу фикрни тасдиқлаб турибди. Ибодатхоналардан бирида эса катта байрам нишонланаётган эди. Шунингдек, портлаш содир этилган ерда аммиак тўкилиши оқибатида кўпчилик заҳарланган. Туркия ички ишлар ходимлари мазкур жиноятлар бўйича қидирув ишлари олиб бормоқда. Сўнгги хабарларга қараганда, изқувварлар ушбу террорчиликка дахлдорликда гумон қилинаётган уч кишини ҳибсга олган. Кузатувчиларнинг айтишларича, мазкур жиноятларда

томонидан қатъий қораланди. Исроил ташқи ишлар вазир Сильван Шалом портлашлар содир этилган жойларга боришини маълум қилди. Террорчиликни «аср вабоси» дейишлари бежиз эмас. Бу қора иллат инсоният осойишталигига раҳна солишда давом этмоқда. Истамбулда бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлиши террорчиликнинг асл башарасини яна бир бор намоён қилди. Террорнинг дини ва миллати йўқ. Демак, у бутун инсониятнинг душмани. Унга қарши курашиш ва ундан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

С. ДОНИЁРОВ.

Маданият оламида

Бош вазир — бастакор

Италия мусиқа дўконларида одатдагидан ташқари компакт дисклар пайдо бўлди. Бу дискларнинг гайритабиийлиги шундаки, ундаги барча мусиқа композицияларнинг муаллифи мамлакат бош вазир Сильвио Берлусконидир. Италияликлар бош вазирнинг анчадан буюн мусиқа билан шуғулланишини билганлари учун бу воқеа мамлакатда унчалик катта шов-шувга сабаб бўлмади.

икки асрдирки, Бонн карнавалларининг расмий пойтахти бўлиб қолмоқда. 1824 йилда шу ердаги Бофел шаҳарчасида «Аёллар кўзгоҳи» деб аталган уйин-кулги байрамга асос солинган эди. Шундан буюн Бонн, Кельн, Дюссельдорф, Майнц ва бошқа шаҳарларда бу анъана давом этиб келмоқда.

Карнаваллар мавсуми

Германиянинг Рейн вилоятида «Йилнинг бешинчи вақти» анъанавий карнаваллар мавсуми бўлиб ўтмоқда. Чорак кам

Цензура ружсат бермади

Миср цензураси маҳаллий режиссёр Саид Рустамга «Абу ал-Феда-15» фильмининг суратта олишга ружсат бермади. Цензорларнинг гапига қараганда, режиссёр Қоҳиранинг Абу ал-Феда кўчасидаги 15-уйда истиқомат қилувчи одамлардан фильмининг ишлаш учун ёзма ружсат олиши керак. Саид Рустам бундан норози. Унинг айтишича, фильмдаги воқеалар бутунлай тўқиб чиқарилган ва оқсуқлар яшайдиган бу кўчага мутлақо алоқаси йўқ.

Велосипеда дунёни кезишмоқчи

Дунёни велосипеда айланб чиқишга қарор қилган америкалик эр-хотин Даниэль ва Диана Хилтонлар сентябрда Голландиядан йўлга чиқишган эди. Орадан икки ой ўтгач, улар ўн икки давлат худудидан ўтиб, Эронга етиб келишди. Сайёҳлар энди Покистон, Бангладеш, Непал, Ҳиндистон, Мьянма, Таиланд ва Малайзия давлатлари бўйлаб йўлларини давом эттиридилар.



ни ичида учратилганини айтишди. Ҳозир Ливан отлик полицияси итлар ва кўнгилли очилар ёрдами одамлар ваҳимасига сабаб бўлган даҳшатли маҳлукнинг изига тушишди.

20 минг катакан бошқотирма

Марокашлик талаба Тафдет битта бошқотирма тайёрлаш учун 70 кун сарфлади. Гап шундаки, унинг бошқотирмасида 20 минг катак бор. Марокашда изгарича ким бунчалик кўп сўзи бошқотирма тайёрлай олмаган. Мутахассисларни 70 кунда тайёрланган бошқотирма неча кунда ечиш мумкин деган савол қизиқтирмоқда.

Ўзига хос рекора

Германия шимолидаги Эльбэн шаҳарчасининг 115 нафар аҳолиси маҳаллий тегелбал ва ундаги спорт жамятини ташкил этилганининг 111 йиллигини ўзига хос рекорд билан қўйиб олди. Улар 111 соат таннаффусиз кегли ўйнашди. Унда иштирок этганларнинг энг ёши 6, энг кеккаси эса 76 ёшда эди.

Тўй қилишнинг кечин йўқ

Янги Зеландиядаги қарилар уйлариининг бирида ажойиб тўй бўлиб ўтди. Тўйнинг ажойиблиги шундаки, кувё Жим Горнинг салкам 100 ёшида, келин Дине Лич эса яқинда 84 ёшини қаршилаган эди. «Гап ёшида эмас, кўнгилда», дейишди янги келин-куёв тўй охирида.

Шацких йилнинг энг яхши уйинчиси бўлиши мумкин

Шу йилнинг 10 декабрь кuni Осиё футбол конфедерацияси Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда «Йилнинг энг яхши» ларини аниқлайди. Кувонларини шунақа, ОФКнинг «Йилнинг энг яхши футболчиси» номинацияси номзодлари орасида миллий терма жамоамиз ва «Динамо» (Киев) ҳужумчиси Максим Шацкихнинг ҳам номи бор. Унинг ОФК назарига тушишида ўтган мавсум Украина чемпионатида тўнурарик қилгани ҳамда Европа чемпионлари лигасида Англиянинг «Арсенал» жамоаси дарвозасига киритган голи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналиш бўйича ҳамюртларимизга «рақиб» сифатида Тероник Меҳди Меҳдаванни ва таълавлани Тероник Меҳман тила олинмоқда. Германиянинг «Гамбург» клуби шарофтини ҳимоя қилаётган Меҳдаванни аяқулан-



ган мавсумда жамоаси учун катта ёрдам берди. Айнак эронлик футболчининг сай-ҳаракатлари эвазига «Гамбург» мамлакат кубогини қўлга киритди. Шунингдек, чемпионатда тўртинчи ўринга кўтарилади. Кўн йиллардан бери «Гамбург» ҳали бундай натижага эришмаган эди. Тероник Меҳман ҳам қолган рақибларидан паст натижа кўрсатгани йўқ. «Бек-Тер»нинг Осиё чемпионлиги лигаси финалига чиқишида Меҳманнинг хизматлари беқисс. Қолаверса, у Таиланд миллий терма жамоасининг ҳам суяган «тоғи».

Ўтган йили «Йилнинг энг яхши футболчиси» номини қўлга киритиш учун Миржало Қосимов кураш қилиб борганди. Лекин ундаги номдор футболчинининг бир оз омади юришмаганди. Қани, кўрайлик-чи, бу йил Максимга омад кулиб бодармикми?

ДИЛИМУРОВ.

Advertisement for 'TEZINTOM' featuring a woman's face and text in Uzbek and German. The text describes the product as a high-tech material for interior decoration and construction. It mentions 'UZBEKISTON-GERMANIYA QK' and 'UZ XARIDORLARIGA ILGOR TEXNOLOGIYALAR ASSOSIDA ISHLAB CHIKARILGAN QURILISH ANJOMLARINING UTA ZAMONAVIY TURLARINI TAKLIF QILADI.' The advertisement includes contact information for 'TEZINTOM' in Tashkent, including phone numbers and an email address.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, Араб тили академияси томи маънадаги йирик илм-фан ва билимлар уйлари. Бу дароҳта 1932 йили асос солинган бўлиб, бугунги кунда унинг тарихи 27 кўндаланга боради. Уларнинг энг муҳимлари қаторига араб тили ва унинг шевалари, араб адабиёти, илмий-маънавий мероси тиклаш, тарих, журналистика, санъат, ахборотлар технологияси, ҳуқуқ ва иқтисод каби кўндаланга киритиш мумкин. Дастлаб йиғирмата аъзодан иборат бўлган академия, тез орада нуфузли халқаро академик муассасага айланди: ҳозирги пайтда юздан ошдиқроқ машҳур олимлар унинг аъзоларидир. Уларнинг кўпчилиги араб миллатига мансуб бўлсалар-да, академия ўз сафларига халқаро миқёсда эътироф этилган ютуқларга эришган, араб тили ва адабиёти, араб тарихи ва санъати, ислом дини ва Қуръони Каримнинг илмий ўрганиш соҳаларида нуфузли илмий мактаблар яратган чет эллик олимлар ҳам қабул қилади. Бугунги кунда аниқ шундай юксак эътирофга сазовор бўлганлар орасида АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Германия, Россия, Испания, Япония, Дания, Хитой, Туркия, Эрон, Покистон каби мамлакатларнинг кўндаланга кўринган олимлари бор эди. Энди уларнинг сафида барча соҳалар, жумладан, илму фанда ҳам, ўзининг халқаро ҳамжамиятидаги ҳаққоний ўрнини эътибор қилиш мустақил Ўзбекистон вакили борлиги, айниқса, қувонарлиқдир.

Бошланган ҳар қандай катта иш вақти-соати келиб сарҳисоб қилинади. Унинг ҳаққоний қадр-қиммати ана шунда кўринади. Дарҳақиқат, Нейматулло Иброҳимов нафақат Ўзбекистон, балки чет элларда ҳам омура қозонган манбашунос, араб тили, адабиёти ва тарихи билимдони, замонавий арабшунослик ва манбашунослик бўйича халқаро миқёсда эътироф этилган йирик мутахассисдир. У яратган араб тили-

даги ёзма манбаларни ўрганиш илмий мактаби бугунги Ўзбек шарҳшунослигининг энг бақувват йўналишидан бирига айланди. Ушбу йўналишда тадқиқот олиб бораётган ўнлаб олимлар Ватанимиз тарихининг асл манбаларини илмий истифмолга киритиш ва омма-лаштириш, уларни ўрганишда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни ислоҳ этиш каби муҳим илмий мавзуларда фаолият кўрсатмоқда.

ЭЪТИРОФ

Ўзбек олими — Араб тили академияси ҳақиқий аъзоси

нишга ҳам самарали ҳисса қўшиб келётган олимдир. Унинг қаламига мансуб юздан ортиқ монография, дугалар, дарслик ва ўқув кўндалангалари нафақат Ўзбекистон, балки чет элларда ҳам яхши маълум. Ҳозиргача даярли ўрганилмаган араб халқ романларига бағишланган тадқиқотлари араб илмий дунёсига катта қизиқиш уйғотибди: арабларнинг ўз эътирофига кўра, бу тадқиқотлар араб маданиятининг илк сарҳисобларидан бирини кашф этиб берди.

Олимнинг 1996 йили Байрутда араб тилида нашр этилган «ас-Сияр аш-шаъбийя ал-арабийя» («Араб халқ романлари») фундаментал асари камдан-кам тадқиқотчига насиб этилган юксак баҳога сазовор бўлди.

Н. Иброҳимов илмий тадқиқотлари туркумининг яна бир йўналиши Ватанимиз тарихининг асл манбаларини ўрганишга бағишланган. Улар Ўзбекистон ва минтақамиздаги бошқа мамлакатлар тарихининг турли сабаблар туйғайли ҳали ўқилмаган саҳифаларини чуқур ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчининг



Миллий дастур ниҳоллари

Кучли бирни йиқар, билимли кўпни

Музработ туманидаги ўқувчиларни касб-хўнарга йўналтириш марказига киришингиз билан кўндаланга йиқиб кетди. Босиш — тангадек офтоб тўшмайдиган бог сизни ўз оғушига олади. Бу араб арча, қайин, терак каби манзарали ва мевали — жами 30 минг туздан ортиқ дарахт мавжуд. Бундан 5-6 йил муқаддам ҳозир яшнаб турган жой ўрни тошу шағалдан иборат эди.

лият кўрсата бошлаган кезлар ўқув масканида 350 нафар ўғил-қиз тўртта касб-хўнарга йўналтирилган эди. Энди-чи? Улар орасида от билан тузча фарқ бор. Ҳозир марказнинг 5 та филиали бўлиб, уларда 11 та касб-хўнарга бўйича салкам 1500 нафар ўсмир маҳоратини оширмоқда. 34 нафар ўқитувчи-уста ёшларнинг танлаган касб-ларига меҳр туйғусини оширишга ҳаракат қилаётган. Энг муҳими, ўғил-қизларнинг меҳнат таълимига бўлган қўндалангани мустаҳкамлаш юзасидан амалда оширилётган ишлар бесамар кетмапти.

рида ҳам ишлаб кетаверадилар. Бир йилгити қирқ хўнара оё, деб шунга айтсалар керак-да. Хўнариди хотин-қизлар ҳам ка-



Республикамиз мактабларида келиши йилларда информатика дарслари алоҳида эътибор берилган. Миришкор туманидаги Абу Райҳон Бериий номидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан ҳам ўқувчилар компьютер саводхонлигидан сабоқ олишган. Бунда информатика ўқитувчиси Чўли Худойбердиевнинг хизмати катта.

саначилик ёки хусусий секторда ижтимоий меҳнат билан банд бўлиш имкониятига эга. Ҳақ гап. Ҳозирги замон талаби ҳам шундай. Зотан, хўнариди ҳеч қачон хор бўлмайдди. Марказ ва унинг шохобчаларида таҳсил олаётган ўсмирлар соғи йилдан йилга охири бораётгани сабабини ҳам бу соҳага эътиёж катталаридан деб айтиш мумкин. Ҳозирги кунда дунёда рақамли, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, зардулик, бишич-тиқиш, тўқувчилик, авточилангарлик ва бошқа касблар бўйича ўқувлар мунтазам олиб борилаётган. Марказнинг ўзида эса тумандаги 3 та мактабнинг 650 нафар юқори синф ўқувчиси назарий ва амалий машғулотлар билан банд. Эътиборли жиҳати шундаки, ўқувчилар шу кун олган назарий билимларини бугуннинг ўзидаёқ амалиётга табиқ эта оладилар. Чунки машғулотлар шунга мувофиқ тарзда ташкил этилган, яъни улар дарслар бундан бундан ҳафтага бир марта (4 йил давомида) таҳсил олиб, қандай икми-уч мутахассисликка эга бўладилар. Уларни тиккан нимча, тўн, дўппи

Марказ раҳбари Жўрақул ака Холматов, ёшлигиндан табиат ошуфтаси эмасми, қасрда ва қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар, ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш, чўл бағрида бог-роғлар яратиш ишлари билан яшайди. Педагог сифатида юксак шогирдлари шунга ана шундай эъзулик уруғларини сепгани ҳам рост. У Душанбадаги политехника ва Термиздаги педагогика институтини битириб, Музработ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатидан раҳбар бўлиб ишлаганида ташланган жойини обод қилиб, ўқув корпусларини ташкил этган. Дастлаб марказ фао-

— Узингиз гувоҳи бўлиб турибсиз, бозор иқтисодиёти шароитида банкотга учраган корхоналар ёки бўлма-са мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтган ҳўжалиқларда иш ўринлари қисқариб кетиши табиий, — дейди Ж. Холматов. — Лекин меҳнат йармақасидан ўз ихтисослиги бўйича иш топломатанлар нима қилишди? Худди ана шундай вазиятда бизда таълим олганлар ер чизиб қолмай, аксинча, ортирган хўнарилари, касб-корлари йўналишида нопадал дуктпо-

СУРАТДА: Ч. Худойбердиев навбатдаги дарс пайтида.

3. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

«Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» китоби муаллифга, айниқса, катта шукрат келтирди. У Ўзбекистон, Буюк Британия ва Россияда ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилиб, илмий жамоатчилик орасида кўлама-кўла бўлиб кетди.

Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан замоналар тақозосига кўра, дунёга соҳилиб кетган Ватанимиз ва халқимиз тарихи, маданияти ва санъатига оид миллий бойликларимиз, илму фанимиз дур-

“Lok Kolor Sintez” QX
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

КЕНГ АССОРТИМЕНТДА ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

КОРЖОМАЛАР
Уzun ва калта энгли эркалар иш кийимлари
Эркалар ва аёллар ярим комбинезонлари
Аёллар иш бермудлари
Аёллар иш фартуклари
Қалин иш курткеси
Йўл ишчилари нимчаси
Қўлқоплар
Эркалар ва аёллар иш халатлари
Эркалар ва аёллар тиббиёт халатлари
Ошпазлар нимчаси, фартуғи, қалпоғи
Солдатлар ички кийимлари

БОЛАЛАР УЧУН
йўрғаклар, кўйлакчалар, халатлар.

ЧОЙШАБЛАР
ёстиқ жилдлари, кўрпа
гиллофлари, чойшаблар

ШУНИНГДЕК,
дастурхонлар, сочиқлар,
кўл сочиқлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@online.ru

Mix Market
ИДОРА МЕБЕЛЛАРИ САЛОНИ

Италия дизайнерлари ишланмалари

15 турдан зиёд кабинет мебеллари
2,5 м дан 5 м гача бўлган конференц-столлар
Шкафларнинг катта танлови

Офис тўсиқлари
чарм креслолар
юмшоқ мебеллар тўплами

Буюртма бўйича конференц креслолар
етказиб бериш имконияти бор

Товар сертификатланган

Бизнинг манзил: Тошкент ш., А.Темур-Эргашев к., 2
(мулк) «Қозғоғистон» к-ри, Юнусовод тумани солиқ инс-си қаршисиде)
Тел.: 135-74-47, тел/факс: 135-41-59. E-mail: qab@barkor.com

АГЕНТСТВО ПОДПИСКИ БТЛ

ИМЯ — ЭТО ГАРАНТИЯ
ДОСТАВКА ПРЕССЫ КУРЬЕРОМ ЛИЧНО В РУКИ
4 ЛЕТ УСПЕШНОЙ РАБОТЫ НА РЫНКЕ ПОДПИСКИ

✓ ГАЗЕТЫ
✓ ЖУРНАЛЫ
✓ КНИГИ

ОПТИМАЛЬНЫЕ ЦЕНЫ
Индивидуальный подход к каждому клиенту

139-17-54
139-14-80

Наши филиалы:
г.Самарканд, ул. Гагарина, 89, тел.(3662) 34-32-50
г.Навои, ул. Халклар дусталиги, 3а, тел. (43622) 3-56-10
г.Анджидан, ул. Ситтара Абидова, д.5, тел. (37422) 5-41-55
г.Коканд, м-в Хуқонди, д.67, кв.35, тел. (37355) 2-83-74
г.Наманган, ул. Файз, 3-й проезд, д.8, тел. (36922) 34-03-50
г.Ферғана, ул. А.Кадари, д.71, кв.14, тел. (3732) 24-42-72

Хўрматли тadbirkорлар, ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари!

Журнал саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий ҳўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари ҳамда тегишли меъёрий ҳўжатлар ва шарҳлар;
- ҳўжалик судларининг суд амалиёти тафсилотлари;
- хорижий мамлакатларнинг арбитраж ва иқтисодий судлари фаолиятига доир маълумотлар;
- қонунчиликни қўллаш бўйича судьялар ва малакали ҳўқуқшунослар чиқишлари.

Журналнинг нашр индекси:

- якка тартибдаги обуначилар учун — 908;
- ташкilotлар учун — 909.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимлари орқали, шунингдек, тахририят билан шартнома асосида ҳам амага оширилади.

Манзил: 700097, Тошкент ш., «Чўпонота» к., 6-уй.
Маълумот учун телефон: 77-64-95, факс: 173-72-68.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган

«Хо'jalik va huquq» — «Хўжайство и право»

ОЙЛИК ЖУРНАЛИ

тадбиркорлар, банк, солиқ ва молия идоралари ходимлари, ҳўқуқшунослар ва кенг омма учун муҳим бўлган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Собир Ҳасановга падари бузруквори СОДИҚ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси жонот ишлари бўйича Наоний вилояти судининг раиси Қаҳрамон Исаровга падари бузруквори ИРИСАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил санот институтини жамоаси Хоржий тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси Маҳфуза Мирсамиқовага турмуш уртоғи Созилжон МИРСАМИҚОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қамбаренов, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақавар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатли Утин тартиби № 00001
Буюртма 1 — 0866, 22598; нусхада босилган, ҳажми — 4 табоқ, Обфет усулида босилган.
Қотоз бичими А — 2
Газета ИВМ компьютерла тарали ва оператор Жамиев ТОГАЕВ томонидан ехдибаланди.

Тахририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинади.
□ - Гилжорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпиров.
Навбатчи муҳаррир — А. Хайдаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳад — М. Сулаймонова.

«Шарк» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошпириш вақти — 21.00
Тошпирилди — 22.00 1 2 3 4 5